

МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИМИЗ ПОЭТИКАСИНИНГ УЛКАН ТАДҚИҚОТЧИСИ

Бахтиёр НАЗАРОВ

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.20676838>

Абдукодир Ҳайитметовнинг деярли барча ишларида барча асарлар, барча санъаткорлар ижоди ва улардаги муаммолар поэтика масалалари билан чамбарчас алоқадорликда тадқиқ этилади. Шарқ адабиёти поэтикаси, конкрет ижодкор асарлари поэтикасидаги етакчи хусусиятлар олимнинг доимо диққат марказида туради. Бундан ташқари, “Алишер Навоий поэтик маҳорат ҳақида”, “Навоийнинг эстетик идеали ҳақида”, “Абдурахмон Жомий поэтик ижодиётининг эстетик принциплари ҳақида”, “Алишер Навоийнинг поэтик услуги”, “Бобур шеъриятининг бош ижодий концепцияси” каби поэтика масалаларига бағишланган ўнлаб мақолалари борки, бу айна муаммо унинг ижодида алоҳида салмоқ, йўналиш ва туркумни ташкил этганини кўрсатади. А.Ҳ.Ҳайитметов ижодидаги поэтика масалалари фақат шеърий санъатларни ўрганишдангина иборат бўлмай, бошқа йирик-йирик концептуал муаммолар билан ҳам боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, олимнинг ўзбек мумтоз шеърияти, унга руҳий-жуғрофий жиҳатдан яқин бўлган туркий ва форсий халқлар адабиёти поэтикаси (Фузулий, Фирдавсий, Хусрав Дехлавий, Жомий асарлари тадқиқи мисолида) ҳақидаги қарашлари ўзига хос изчил бир тизимни ташкил этади. Бу масала аслида махсус йирик илмий тадқиқотга муносиб. Биз эса, қуйида, унинг фақат айрим қирраларига назар ташлаб ўтамыз.

Олимнинг деярлик 60 йиллик илмий фаолияти мобайнидаги поэтика масалаларига қарашларини шартли равишда икки босқич: шўро замони ва Мустақиллик даврига бўлиб ўрганиш ўринли. Унинг XX аср 50-йиллари аввалидан 90-йилларгача ёзган Низомий, Ҳофиз, Навоий, Бобур, Машраб, Мунис, Комил, Нишотий, Увайсий, Фурқат ижоди ҳақидаги мақолалари ва улар асарлари поэтикаси борасидаги ишларининг бирортаси ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Лекин мумтоз шеъриятнинг дин, дунёвийлик, тасаввуф, дунёқараш, мафкура ҳамда улар билан алоқадорликдаги шеърий санъатлар, бадий асар поэтикаси деган масалалари борки, уларни ёритиш борасидаги А.Ҳайитметовнинг шўро давридаги айрим мулоҳазаларида деярли аксар ҳамкасблари қатори муайян чекланишлар бўлганлиги кузатилади. Масалан, Алишер Навоий шеърияти ва дostonлари поэтикасида олим аксар ҳолларда,



асосан, дунёвий ғоялар ифодасини кўришга интилади; ислом ва тасаввуф билан боғлиқ ғоялар ифодасига бўйсундирилган поэтик махражларни эса, шоир дунёқарашдаги чекланишлар, деб атади. Истиклол бундай айрим мажбурий чекланишлар боғичини ечиб юборди. Олим Истиклол арафалари ва ундан сўнг Ислом ва тасаввуф билан алоқадор поэтик масалаларни эмин-эркин ёритишга, тегишли мавзуларга Оллоҳ ва Инсоннинг ажралмас, чамбарчас birlikдаги бадий талқинлари ва уларнинг йўсини сифатида қарашга ўтди. Лекин, бу билан А.Ҳайитметовнинг мустақилликкача ва ундан кейинги тадқиқотларини бир-бирига зид деб қарамаслик керак, аксинча, кейинги даврдагилари аввалги босқичдагиларини янада тўлдиради, бойитади ва ривожлантириб, қиёмига етказди. Аввалгиларида кўпроқ бадий асарлардаги дунёвийлик хислатлари очилса, кейингиларида Оллоҳ ва Инсон алоқадорлигидан келиб чиқувчи башарий фазилатларни очишга ҳам алоҳида эътибор берилади.

“Қадимги туркий шеърят” мақоласида (1972) олим “Девону луғотит турк”даги шеърӣ парчаларнинг мавзу-маъносинигина эмас, уларнинг поэтикасидаги ўзига хосликларни ҳам ўрганди. Сўзнинг бадий образга айланиш, халқ оғзаки ижодидаги поэтик унсурларнинг ёзма адабиётга ўтиш жараёнларига эътибор берди. Ўрхун-Енисей ёдгорликларидаги хусусиятларни таҳлил қила туриб, бу қадимги туркий адабиёт намуналарида “қахрамонлик эпоси хусусиятлари” кўзга ташланиб туришини таъкидлади. Бошқа ишларида Навоӣ ижодида “қадим туркий асотир ва ривоятлар”нинг муҳим ўрни борлигини айтади. “Тарихи мулуки Ажам” асарини таҳлил қила туриб, Навоӣ дostonларида кўхна Шарқ мифологиясининг таъсири кучли деган хулосага келади. Сўнги 20 йил ичида фанимизга “мифологик реализм” деган термин кириб келди. А.Ҳайитметов фикрни бу тарзда айтиш даражасига етмади. Лекин унинг қарашларида бу фикр учкунлари мавжуд эди, дея оламиз. А.Ҳ.Ҳайитметов ижодида тутилган бу йўл, бу тажрибалар таъсирини, мен кейинчалик пайдо бўлган И.В.Стеблеванинг “Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в раннеклассический период” (М., 1976; Ҳайитметовнинг юқоридаги мақоласи 1972 йилда “Советская тюркология” журналида чоп этилган эди), Н.Раҳмоновнинг “Култегин ёдномасида бадий санъат” (1981), Б.Тўхлиевнинг “Қутадғу билиг” ва туркий адабиётдаги айрим жанрлар генезиси” (1982), татар олими Х.Усмоновнинг “Древние истоки тюркского стиха” (1981), Петр Ковалевнинг “Освоение стихотворных форм тюркоязычной поэзии в русской литературе” (М., 1991) мавзуидаги номзодлик ишида кўргандек бўламан.



Олим Навоий ижодини ўрганар экан, бу улкан меросдаги деярли барча асарларнинг тур ва жанрлар мансубиятини аниқлашга интилади, улардаги поэтик хусусиятларни очишга ҳаракат қилади. Жумладан, Навоий лирикасини таҳлил этар экан, ҳам ғазалнавислик тарихи, ҳам улуғ шоир ижодига дахлдор поэтика нуктаи назаридан қуйидагидек муҳим хулосалар чиқаради: ғазал композициясида, асосан, 2 услубий қурилиш ҳукмрон эди, дейди олим, бири – **пароканда**, иккинчиси – **мусалсал** услуб. Навоийга қадар форс ва ўзбек ғазалчилигида барча мисралар матлада ифодасини топган етакчи мавзу ва масалада ўзаро уйғунлашиб келиши шарт деб қаралмаган. Шоир ўзигача бўлган ғазалчиликдаги бу тарқоқликка барҳам бериб, байтлардаги мавзу, ғоя, поэтика уйғунлигини ғазалиётнинг асосий шартларидан бирига айлантирди¹. У Ғарб ёки Европага нисбатан ўзбек мумтоз шеъриятида намоён бўлувчи айрим поэтик ўзига хосликларни очишни унутмайди. Масалан: “хусни таълил” санъати (бадий ёритилаётган масаланинг терсини изоҳлаб туриб, аслида унинг реал ва ҳаётий хусусиятига эътиборни жалб этиш). Абдуқодир Ҳожиметович фикрича, Европа илмида психологик-параллелизм деб ном олган бу янгилик бизнинг мумтоз шеъриятимизда бир неча аср илгари бор эди ва поэтик тамсил сифатида поэзиямизни беэзаб келарди. У, айниқса, шеърятга реалистик тасвир усуллари кириб келишида муҳим роль ўйнаган.

А.Ҳ.Ҳайитметовнинг Навоий лирикаси билан бир қаторда, унинг дostonлари хусусида амалга оширган ишлари, чунончи, мумтоз адабиётимиздаги эпик жанрлар поэтикасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги мулоҳазалари ҳам эътиборлидир. Масалан, “Ҳайрат ул-аброр”даги 20 мақолот ва 20 хикоятни бирин-кетин таҳлил қилар экан, уларда акс эттирилаётган муаммолардан келиб чиқиб, шоир услубида намоён бўлаётган ўзига хосликларни очади. Хусусан, ахлоқ-одоб масалалари махсус ёритилган 5- ва 6-мақолотларда “юмшоқ ва майин” бадиият кўзга ташланса-да, айрим ижтимоий-сиёсий масалаларнинг ахлоқ-одоб билан боғлиқ замонавий муаммолари талқинига ўтилганда асар табиатида шоир шахсиятидаги феъл-атвор ҳам фаол ишга тушади, натижада, тасвирда эҳтирос кучаяди, поэтикада пафос деб аталмиш ифодада ёлқинлашув пайдо бўлади; асардаги шоир яшаётган давр билан алоқадор муаммоларга муносабат билдирилганда эса, услубда танқидий руҳ кучаяди; Ана шу кузатувлардан келиб чиқиб, услубдаги товланишларга таяниб, услубда поэтик унсурларнинг ўйнаган ролдан келиб чиқиб, “Ҳайрат ул-аброр” шоир шахсияти

¹ Қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. 2-жилд. Тошкент: Фан, 1978. 93-бет.



кўпроқ иштирок этадиган дostonлардан биридир, деган хулосага келади. Умуман, Абдуқодир Ҳожиметович “Ҳамса”да пафос масаласига адабиётшунослар ичида биринчилар каторида алоҳида эътибор берди. Навоийнинг ўзи “пафос” тушунчасини бадиий “ўт”, бадиий “дард” сўзлари билан ифодалаган, дейди, олим.

“Ҳайрат ул-аброр”нинг солиқ йиғадиган амалдорларнинг кирдикорлари кескин фош этилган 12-мақолотига келганда, шоир ўзи гувоҳ давр кишилари ва муаммоларини қаламга олганда, масала ва образлар тасвирида ҳаётга, ҳаққонийликка яқинлашув рўй беради. Бу эса, ўз навбатида, шоир услубида реалистик усул кучайишига олиб келади. Шу тарзда идеал қаҳрамонлар тасвирида романтик, реал қаҳрамонлар тасвирига ўтганда эса, реалистик услуб кучаяди.

“Ҳамса” дostonлари поэтикасидаги мураккаблик, салмоқ, теранлик (бу ерда мен композиция, сюжет, образ, характер, услуб, шеърий санъатлар, бадиий тил ва бошқаларни четлаб ўтяпман)ни ўрганиш натижасида А.Ҳ.Ҳайитметов “Ҳамса”дек маҳобатли, муайян маъно ва даражаларда ўзаро боғлиқ, бир-бирини тақозо этадиган монументал асар яратиш учун, ҳар бир асар матнидаги алоҳида ва ўзаро яхлитликдаги поэтик баркамолликка эришиш учун ижодий тажрибадан ташқари катта ҳаётий тажриба ҳам зарур деган фикрни илгари суради. Ўзининг бу фикрини далиллаш учун қуйидаги тарихий маълумотни келтиради: Навоий йигитлик вақтида Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган мактубида “Шоҳнома”, “Ҳамса” кўринишидаги асар битиш кўнглида йўқ эмаслигини айтган экан. Бу ният айтилган вақтда эмас, кўп йиллардан кейингина амалга ошувининг сабаби, ғоя ва мазмунни англаш борасида шоирда етарлича билим бўлгани билан, уларни кўнгилдагидек амалга ошириш учун поэтиканинг ҳам асоси бўлган ҳаётий тажриба зарур эди. Шоир ана шу тажрибаларга эришганидан сўнггина “Ҳамса”дек маҳобатли асарни ярата олди.

“Бадоеъ ул-бидоя” дебوحасида Навоийнинг ўзи айтган фикрга таяниб туриб А.Ҳайитметов муҳим бир хулоса чиқаради: поэтика, шеърий санъат ёрнинг қош-кўзлари, таманнолари, ошиқ-маъшиқ изтиробларини ёритишда нечоғли муҳим бўлмасин, улар ижтимоий ҳаёт билан чамбарчас боғланган бўлиши керак. Инсонга, ҳаётга, “моддий-маънавий эҳтиёжларга яқин туриши керак”². Бу – поэтика нечоғлиқ анъанавий бўлмасин, даврнинг долзарб, ҳаётий масалалари билан боғлиқ бўлиши керак, деганидир.

² Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. Тошкент: Ўқитувчи, 1993. 138-бет.



А.Ҳ.Ҳайитметовнинг Низомий, Фирдавсий, Навоий, Фузулий, Лутфий, Бобур, Комил, Огаҳий, Муқимий, Фурқат ва яна бошқа ўнлаб шоирларимиз ҳақидаги мақолалари адабиёт фанимизни беэбаб туради. Олим алоҳида таъкидлашча, уларнинг бирортаси ижодида шеърӣ санъатлар асарни фақат безаш учунгина ишлатилмайди. Улар, энг асосийси, бир томондан, ҳаётӣ муаммоларни, ҳаётӣ туйғуларни, ўзаро фарқланиб турувчи жонли инсон ҳис-ҳаяжонларини ва дардларини тасвирлаш ва, иккинчи томондан, ҳар бир муаллифнинг ўз ички дунёси ва индивидуал услубини намойиш этишга бўйсундирилган бўлади. Шу кўшқанот заминдан узилган шеърӣ санъат, қанчалик гўзал бўлмасин, асосий мақсадига эришуви қийин кечади. Ана шу ҳаётӣ асос, бир қараганда, гўё бир хилдек кўринувчи шеърӣ санъатлар ишлатилганига қарамай, худди шу санъатлар, айни вақтда, ҳар бир мумтоз шоиримиз ижодидаги ўзига хосликларни, янги жилоларни, ва ҳатто янги ғоя, мавзу, мазмун, қаҳрамон образини очишга хизмат қилади.

А.Ҳ.Ҳайитметов бадиий асар структурасидаги поэтика муаммоларини ўрганиш билан кифояланиб қолмади. Унинг ижодида Шарқ адабиёти назарияси, буюк Шарқ шоирларининг эстетик ва адабий-танқидий қарашларини тадқиқ этиш ҳам муҳим ўрин тутди. Улар ичида шундай намуналар ҳам борки, бу асарларнинг замонамиз ва келажакнинг илмий-маънавий мулкига айланиб қолиши бевосита шу олим номи билан боғлиқдир. Мен бу ўринда Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” номли асарини назарда тутмоқдаман. Улуғбек даврининг ноёб ёдгорлиги бўлган бу асар ўтган аср 90-йилларининг ўрталарига қадар фанга номаълум эди. Асар фотонусхасини Америкадан олиб келган Э.Умаров билан ҳамкорликда Абдуқодир ака у ҳақда матбуотда бир қатор чиқишлар қилди, уни нашрга тайёрлади. “Фунун ул-балоға”ни “адабиётдан туркийда яратилган биринчи назарий қўлланма” деб баҳолади, мақолаларидан бирини ҳам шундай деб атади.

Ўзбек адабиётшунослигида мумтоз ва замонавий жанрлар атрофлича ишланган ва ишланиб келмоқда. Бу масаланинг Навоий ижоди мисолида тадқиқ этилишига Абдуқодир Ҳожиметович нечоғлик катта ҳисса қўшгани маълум. Унинг, айни вақтда, насримиз тарихига оид қатор ишлари ҳам борки, уларда айтилган баъзи фикрлар кейинчалик, бошқа илмий ишларга, илгари сурилажак илмий қарашларга асос бўлди. Масалан, “Ўтмиш ўзбек насри ҳақида” (1982) деб номланган мақоладаги фикрлар ўзбек ҳикоячилиги, қиссачилиги, романчилиги илдизлари ўрганилажак ишлардаги қатор муҳим қарашларга туртки берди. Хожанинг “Гулзор” ва “Мифтоҳ ул-адл” асаридаги ҳикоятлар биздаги



новеллаларнинг асосидир, деб айтилган С.Ғаниева билан А.Ҳайитметов фикрларидан сўнг бизда новелла жанри Ғарб ва Европа адабиёти таъсиридагина пайдо бўлган деган қарашлар барҳам топа бошлади.

Навоий ижодининг бу толмас тадқиқотчиси “Ҳамса” дostonларидаги поэтик хусусиятларни ўрганишдан келиб чиқиб, бир жиҳатдан, муаллиф мақсадларининг тўлақонли намоён бўлишида шу поэтик унсурлар ҳал қилувчи аҳамият касб этганини ва, аynи вақтда, ана шу поэтик унсурлар иккинчи бир жиҳатдан шоирнинг гоҳ замон ва замондошларга фаол муносабатини кўрсатишга, гоҳ Оллоҳ ва Инсон муносабатларини ёритиш, баъзан, адолат ва адолатсизлик, дунё ва яшамок моҳиятини бадий акс эттиришда муҳим роль ўйнаганини аниқлайди. Ўзбек мумтоз шеъриясидаги ринд ва ошиқ, зоҳид ва дарвеш, шоҳ ва гадо образларини асар яратилган давр ва муаллиф услубидаги ўзига хосликлар билан боғлаб ўрганар экан, ана шу сифатларнинг асоси асар поэтикасидаги жараён, силжиш, ўзгариш, такомилга боғлиқдир деган хулосага келади ва бу ўринда Шарқ шеърияси, фалсафий тафаккури ва тасаввуф таълимотига дахлдор равишдаги мажоз ва образлиликдаги хосликларни эътиборга олмоқ муҳимдир, деган қарашни қатор ишларига асос қилиб олади. У ҳатто қофия масаласига махсус мақола бағишлар экан, унинг замирига ҳам шу фикрни сингдиради.

Истиклол давридаги “Илоҳий ҳидоят”, “Илоҳий фазилатлар соҳиби”, “Исломга эътиқод ва буюк ижод маҳсули”, “Амир Темур ва тасаввуф”, “Нақшбандия Навоий талқинида”, “Ҳамса”да Ислом нури” каби мақолалари, ҳамда, айниқса, “Темурийлар даври ўзбек адабиёти” номли китобидаги тадқиқотларда А.Ҳайитметов тасаввуф ва адабиёт, исломий қарашларнинг мумтоз адабиётимиз поэтикасида тутган ўрни сингари масалаларни теран илмий ёритиш ишларига катта ҳисса қўшди. Маълумки, А.Ҳ.Ҳайитметов ниҳоятда илғор фикрли, замонанинг илғор қарашларини тез илғай оладиган олим эди. Унинг Шарқ мумтоз шеърияси поэтикасига доир фикрлари санок жиҳатидан ҳам, моҳият жиҳатидан ҳам салмоқлидир. Биз уларнинг баъзи бирларигагина қисқагина муносабат билдиришга ҳаракат қилдик, холос.